

Сафга тизилгандан кейин ўқиладиган дуо



09:15 / 18.02.2025 2046

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши намозга келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни бошлаган эдилар. У киши сафга турганидан кейин:

???????? ?????? ????????? ??? ????????? ???????????

????????????????

«Аллоҳумма атиний афзола ма туътий ъибадакас солиҳийн» (Эй Раббим, менга солиҳ бандаларингга берадиган нарсаларингнинг энг афзалини бер), деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни тугатганларидан сўнг: **«Ҳозирги гапирган ким?»** дедилар. Ҳалиги киши: «Мен, эй Расулуллоҳ», деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Отинг ўлдирилиб, ўзинг Аллоҳ йўлида шаҳид бўласан»**, дедилар.

Насайй ва Ибн Сунний ривоятлари.

Бухорий ҳам тарих китобларида Муҳаммад ибн Муслимнинг таржимаи ҳолида шу ривоятни келтирганлар.